


«Фарфона водийсида
сув ресурсларини
бошқариши
мұвоғиқлаштириш»
лойиҳаси



Сұвдан фойдаланувчилар Уюшмаси қандай ташкил қилинади?

МАРТ 2003

Тарғиботчилар учун амалий құлланма

IWMI
International
Water Management
Institute

SICWC
Давлатларо сув хұжалигини
координациялаш комиссиясыннің
Илмий-ахборот марказы

МУНДАРИЖА

бет

1. Кириш қисми	2
2. Сувдан фойдаланувчилар Уюшмаси деганда нимани тушунамиз?.....	2
3. СФУ ташкил қилишда амалий қадамлар	4
1- БОСҚИЧ	4
2- БОСҚИЧ	5
3- БОСҚИЧ	5
4- БОСҚИЧ	7
5- БОСҚИЧ	8
6- БОСҚИЧ	8
7- БОСҚИЧ	9
8- БОСҚИЧ	10
9- БОСҚИЧ	10
10- БОСҚИЧ	12
4. Қирғизистон Республикаси мисолида СФУнинг ҳар хил аспектлари бўйича ёрдамчи схемалар (17та схемалар)	13-30

СУВДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР УЮШМАСИ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ?

1. КИРИШ ҚИСМИ

Марказий Осиёдаги тажрибалар шуни күрсатадыки, илгари күплаб сувдан фойдаланувчилар уюшмалари юқоридан пастга принципида (яғни, ташаббус күрсатыш ва уни амалга ошириб ташкил қилиш юқоридан белгиланган) олиб борилған. Оддий фермерлар билан бу масалада ҳеч ким маслаҳатлашмаган ва уларга сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг аъзолари эканниклари хақида ҳеч ким хабар ҳам бермаган. Одатда бир гурух ташаббускорлар ташкилий құмиталар тузиб ўзларича сувдан фойдаланувчилар уюшмаси түздик деб юстиция органларидан рўйхатдан утганлар ва табиий ҳолда ўзлари ҳайъат аъзолари бўлиб олишган. Бундай СФУлар кўпинча ёки инқирозга юз тутган ёки сувни келтириб бериш борасида ариқ-зовурларни тозалаш ва техник хизмат қилиш учун сарфланган харажатларни қопла олмай қолишган. Сабаби, оддий фермерлар СФУга аъзоларикларини сезишмаган ва сув келтириш учун бериладиган хизмат ҳақини ҳар хил баҳоналар билан тўлашмаган.

Тадқиқотлар шуни күрсатадаки, юқоридан бўйруқ асосида ташкил этилган СФУларини албатта, инқирозга юз тутади. Бу нарсани олдини олиш учун СФУлар пастдан яғни, тўғридан тўғри сувдан фойдаланувчилар билан маслаҳатлашган ҳолда ташкил этилиши керак. Шунинг учун сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ташкил этилаётганда унинг хизматидан фойдаланувчи фермерлар орасида тушунтириш ишлари олиб борилиши керак. Улар СФУ нима, ўзлари учун қандай фойда келтиради ва ҳоказоларни билишлари керак.

Қўлланма охиридаги 17та схема орқали Қирғизистон Республикаси мисолида СФУнинг ишларидағи бир қатор асосий кўрсаткичлар берилған.

2. СУВДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР УЮШМАСИ ДЕГАНДА НИМАНИ ТУШУНАМИЗ?

Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси бу нотижорат ташкилот бўлиб уни ташкил қилиш ташаббуси¹ ва бошқариш ишларини бир ёки бир неча гидрологик тизимлар орқали, сув тарқатувчи каналлар² бўйлаб жойлашган қайси турдаги хўжалик бўлишидан катъий назар, сувдан фойдаланувчилар ва фермерлар томонидан сайланган вакиллар гуруҳи олиб боради. Сувдан фойдаланувчилар деганда тўғридан тўғри ерда ишлайдиган ижарачилар, ширкатлар, фермер ва дехқон хўжалиги аъзолари ҳамда шахсий хўжалик эгаларини тушунишимиз керак. Уларнинг ҳаммаси келгусида СФУ аъзолари бўлиши мумкин. Улар маблағларини, техник ва инсон ресурсларни бирлаштириб ўзларига қонуний доирада хизмат қилувчи ариқ-зовурларни ишлатиш ҳамда тегишли ҳолда сақлаш каби ишларга сарф қиласидар. Қилинган ишларнинг барчаси СФУ аъзоларининг ҳаммаси учун борабар фойдали бўлиши керак. СФУни аъзолиги СФУни билан ўзаро контрактлар еки шартномалар орқали ҳужжатлаштирилади. Худди шу тарзда СФУ билан сув хўжалиги ташкилотлари орасида (масалан, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси)

¹ Шундай бўлса ҳам СФУни ташкил қилиш учун давлат ва бошқа структурадаги ташкилотлардан ёрдам берилиши керак.

² Сув тарқатувчи каналлар – бу фермерларга тўғридан тўғри далаларига сув олувчи кичик канал ва ариқларга сув етказиб берувчи катта ҳажмдаги каналлар хисобланади ва шундай қилиб иккинчи ёки учинчи даражадаги канал бўлиши мумкин. Фермерлар далаларига тўғридан тўғри сув олаётган ариқни **даҳана** дейилади. Улар учинчи ёки тўртинчи даражадаги каналлар бўлиши мумкин.


СУВДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР УЮШМАСИ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ?

уларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари, келишилган миқдордаги сувни ўз вақтида етказиб бериш ҳамда хизмат қилувчи сув хўжалиги ходимига маблағ тўлаш ҳақида шартномалар тузилади.

СФУни аъзоси бўлган фермерларга қуидаги имтиёзлар мавжуд:

- каналдаги сув хўжалик субъектлари орасида қаерда жойлашган, қанча гектар ерга эга бўлишидан катъий назар барчага баробар бўлиниши;
- ишончли сув таъминоти;
- қишлоқ хўжалик экинларининг турига қараб сув билан таъминлаш;
- баҳсли масалаларни жойида ва тезлик билан ҳал қилиш;
- каналларни техник соз ҳолда ушлаб туриш ва шу орқали сувни оз ёки кўп бўлишидан қатъий назар суғориш муддатини қисқартиришга ва сувни йўқлигини камайтиришга эришиш;
- Сув ўғирлаш ҳолларини кескин камайтириш

Одатда СФУ қуидаги ташкилий структурага эга бўлади.



3. СФУ ТАШКИЛ ҚИЛИШДАГИ АМАЛИЙ ҚАДАМЛАР

Сувдан фойдаланувчилар уюшмасини ташкил қилиш узига хос омилга эга ва қуидаги босқичлардан иборат.

1-БОСҚИЧ: СФУ хизмат қилаётган ҳудуддаги фермерлар, уларнинг сардорлари, сув хўжалиги ходимлари, оқсоқоллар ва бошқа асосий манфаатдор томонлар орасида ўзаро дўстона муносабатлар ўрнатиш; уларга уюшмаларнинг роли, функциялари, ҳамда фойдали томонлари ҳақида кенгроқ тушунчалар бериш; фермерлар ҳақида дастлабки маълумотлар тўплаш, хўжалик субъектларни катта-кичиклигини ва сув таъминотининг асосий муаммоларини ўрганиб чиқиш, иккинчи даражадаги ариқларни улардаги даханаларни ва ҳар бир каналда нечта сувдан фойдаланувчилар борлигини ҳисобга олиш; СФУни хизмат

СУВДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР УЮШМАСИ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ?

қилиш чегаралари доирасида ариқ-зовурлар схемаларини тайёрлаш (ушбу иш Ўзбекистон ва Тожикистон Республикалари худудларидағи СФУ ларида бажарилган).

Бу босқичда дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида фермерлар билан қишлоқда ёки хўжаликнинг ўзида, дахана бошларида учрашиб, лойиҳанинг мазмуни, унда қўйиладиган масала ва муаммоларнинг ечими борасидаги СФУларининг аҳамиятлари хақида сұхбатларни амалга ошириш кўзда тутилади. Ўзаро мулоқот қизиқарли бўлиши учун танланган ҳудудларда СФУни тузилиши, уларнинг аҳамияти ҳақида қисқача ва аниқ маълумотлар берилиши зарур. Сув хўжалигидаги муаммолари ҳақида ҳам тўхталиб уларни ечим топиши учун илгариги бошқарувга кўра СФУларда осонроқ ечилиши мумкинлигини тушунтириш керак. Лойиҳа ҳақидаги дастлабки тушунтиришлардан сўнг тарғиботчилар кўпроқ фермерларнинг гапларига қулоқ солиш ва уларнинг саволларига жавоб беришлари керак. Тарғиботчилар маҳаллий аҳоли билан шундай иш олиб боришлари керакки, аҳоли уларни ўзларининг одами сифатида қабул қилсин. Бу нарса фермерларнинг ишончларини ошириш ва тарғиботчиларга нисбатан ҳурмат ҳисларини орттиради.

Тарғиботчилар маҳаллий аҳоли ичидан кўпроқ фойда тегадиганлари билан биргаликда қишлоқда ёки хўжаликнинг ўзида сувдан фойдаланувчилар билан учрашиб улар орасида янада кенгроқ тушунтириш ишларини олиб боришлари зарур. Бу учрашувлар вақтида улар лойиҳада қўйилаган режаларни амалга оширганда қандай фойда қўришлари мумкинлиги масалаларини ечишда ёрдам беришлари керак. Бунинг учун лойиҳа ҳақида қисқача маълумот бериб фермерлардан суғориладиган майдонларда сувнинг муаммоларини алоҳида сўраш тавсия этилади. Қатнашчиларнинг сонига қараб 6-10 кишидан иборат гурухлар ташкил қилиниши мақсадга мувофиқ. Бу гурухларга ўзларининг ҳудудларидағи мавжуд сув муаммоларини аниқлаб, уларни ечиш йўлларини топиш ва бу иш билан кимлар шуғуланиши кераклигини кўрсатиб бериш масалалари қўйилади.

Бундай учрашувларнинг охирида маҳаллий аҳолига лойиҳада кўрсатилган концепцияларни тушунтирилгандан сўнг масаланинг моҳиятини қишлоқдаги қўни – қўшниларга айтиб беришлари ва СФУни ташкил қилинишининг сув масалаларини ечишдаги яхши томонларини кўрсатиб беришлари керак.

2-БОСҚИЧ: Ариқ ва зовурларга хизмат кўрсатиш йўналиши асосан нималардан иборатлиги ва уларни бажарилиш режасини аниқлаш

Тарғиботчиларнинг сувдан фойдаланувчилар билан иккинчи бор учрашувларида биринчи учрашувлардан келиб чиқкан масалаларни таҳлиллари ва уларни ҳал этиш йўлларини кўрсатиб беришлари лозим. Ундан сўнг СФУда аниқланган масала ва муаммоларни айримларини ёки ҳаммасини ечиш мумкинлигини тушунтирилиши лозим. Шунинг билан бирга бевосита суғориш билан боғлиқ ишлар нималардан иборатлигини тушунтиришлари керак. “Асосий вазифалар нималардан иборат?” деган саволни қўйиб, ким уларни ҳал қилиши кераклигини ва улар кимларнинг олдида жавоб беришларини уқтириб ўтиш керак бўлади. Ким уларнинг ҳақини тўлайди? Вазифаларнинг бажарилишини кимлар назоратга олишлари керак? Шундай саволларни муҳокама қилинганда томонларнинг бир-бирларини яхши тушунишлари ҳамда СФУни ташкил қилишнинг фойдали томонлари аниқланади, суғориш хизмати кўрсатиш ва сувдан фойдаланишининг дастлабки тадбиркори белгиланади.

3-БОСҚИЧ: СФУнинг ташкилий тузилмалари ҳақида сувдан фойдаланувчилар билан ўзаро тушунтиришлар ўтказиш; СФУни идора қилиш учун ва Вакиллар йиғилишларига қатнашиш учун сайланадиган одамлар қандай фазилатларга эга бўлишлари ҳамда уларнинг қандай билимлардан хабарлари борлигини аниқлаш

Ушбу босқичда (маслаҳатлашиш учрашувлари босқичи) СФУнинг ташкилий масалалари кўриб чиқилади. Бошқаришни яхши ва фойдали бўлиши СФУ аъзолари, вакилларнинг сайланиш муддатлари, уларни танлаш ҳамда олиб бориладиган ички ҳужжатлар ҳақида келишиб олиниши зарур. Бунинг учун тарғиботчилар йиғилиш қатнашчиларига ҳар хил ҳолатдаги ташкилий тузилмалардан, низомлардан ва олиб бориладиган ички ҳужжатлардан мисоллар келтиришлари зарур.

Бунинг учун тарғиботчилар сувдан фойдаланувчилар билан ҳар бир қишлоқда, сув тарқатувчи каналларда ёки даханаларда, маслаҳатлашиш учрашувлари ўтказишлари керак ва бу учрашувларнинг мақсади СФУни тузиш ҳамда уни амалга ошириш бўлиши керак. Бу учрашувларга маҳсус таклифномалар, чақириқ қофозлари ёки одамлар тўпланадиган жойларда (масжид, маҳалла қўмитаси, идора) оғзаки айтиш йўллари билан фермерларни тўплаш лозим. СФУни ташкил қилиш масалалари бўйича учрашувлар бўлаётганини, қачон ва қаерда ўтказилишини барча аҳоли етказилганига ишонч ҳосил қилишлари керак. Тарғиботчилар масжид, дўконлар, маҳалла қўмиталари ва идоралар каби одамлар йиғилиб турадиган барча жойларнинг олдига эълонлар ёпиштириб қўйишлари мақсадга мувофиқдир. Тарғиботчилардан бир гуруҳи уйма-уй юриб ҳар бир сувдан фойдаланувчига айтиб чиқишлари керак. Бу учрашувларда СФУларнинг ташкилланишлари, уларнинг фойдали томонлари, тузилмалари ҳақида қисқача ахборот берилгандан сўнг йиғилган сувдан фойдаланувчилар билан қўйидагилар ҳақида маслаҳатлашишлари керак:

- Йиғилиш қатнашчиларининг фикрлашича СФУ ташкил бўлганда барча сувдан фойдаланувчиларга (ширкат ҳўжаликлари, қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқариш ижарачилари, фермер ва дехқон ҳўжалик аъзолари, шахсий ҳўжалик томорқа эгалари) баравар фойда бўладими?
- Кимлар СФУга аъзо бўлишлари мумкин (музокаралардан олдин сув олишга хаққи бор барча сувдан фойдаланувчилар СФУнинг тенг ҳукуқли аъзолари ҳисобланишлари ҳақида келишиб олишлари керак).
- СФУнинг вакиллар мажлисига ҳар бир даҳанадан қандай, қачон ва нечта вакил сайланиши керак? Ким уларни сайлайди?
- СФУнинг Кенгаш аъзолигига вакиллар мажлисидан неча киши сайланиши керак? Қачон ва кимлар сайловда қатнашади?
- Сайланган илғорлар қандай хусусият ва хосиятларга эга бўлишлари керак?
- Тафтиш комиссияларига неча киши сайланиши керак? Баҳсларни ҳал қилишда уларнинг ўрни қандай бўлади. Уларнинг аъзолари ким ва қандай йўл билан сайланади?
- Сувдан фойдаланиш ҳукуқига эга аёллар СФУга аъзо бўла олишадими, агар бўлишмаса, нима учун, ҳукуқли аъзолик йўллари қандай бўлиши керак?
- Тафтиш комиссиялари, баҳсларни ҳал қилиш комиссиялари, вакиллар ва умумий мажлис аъзолари, ҳамда Кенгаш аъзолари қанча муддатдан сўнг қайта сайланади?

СУВДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР УЮШМАСИ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ?

- Уларни қизиқтирган ва мұхим ҳисобланған барча бошқа саволлар.

Тарғиботчиларда доимий ишчи дафтартарлари бўлиши керак. Унга сувдан фойдаланувчиларни СФУларига жалб қилиш масалаларида барча нарсалар ёзилиши керак. Сувдан фойдаланувчиларнинг таклифлари ҳақида аниқ маълумотлар бўлиши керак. Дала ишчи гурухларнинг дафтартарларида юқоридаги ёзувлардан ташқари учрашувларга неча киши таклиф қилинганлиги, нечтаси ҳақиқатда келганлиги, ким нима ҳақида гапирганлиги, сұхбатда барча баробар музокаралар қылганликлари ёки бир неча амалдор шахсларнинг тайзиқи билан ўтганлиги ҳақида ёзувлар бўлиши керак. Гап нима ҳақида бораётгани ҳақиқатда, ҳаммага тушунарли бўлдими ёки йўқлиги ва шунга ўхшаш масалалар ифодаланиши керак.

4-БОСҚИЧ: Ҳар бир даҳанада сувдан фойдаланувчилар гуруҳига ва СФУнинг Вакиллар йиғилишга (Умумий йиғилишга) вакиллар сайлаш масаласида йиғилишлар ўтказиш

Тарғиботчилар ҳар бир даҳанада маҳаллий фаъолининг иштирокида бир қатор йиғилишларни ўтказишлари керак. Йиғилишларни ўтказиш жойи ва вақти ҳақида сувдан фойдаланувчиларга қулай бўлишини келишилган ҳолда ҳал қилишлари керак. Масалан, кимдир кундузи дала ишлари билан машғул бўлгани учун йиғилишни кечки пайт ўтказишни маъқул топади. Дала ишчи гурухлари сайлов йиғилишда ўтказилиши ҳақида барча сувдан фойдаланувчиларни хабардор қилишлари, уларнинг ўзлари таклиф қилишлари мумкин бўлган вакилларига тенг имкониятлар яратилишини таъминлашни зimmelарига олишлари керак. Шу мақсадда йиғилиш бошланишига икки уч кун қолганда барча қишлоқ аҳолисини хабардор қилиш билан бирга, сувдан фойдаланувчиларни эса ёзма равишида таклиф қилинса янада мақсадга мувофиқ бўлади. Дала ишчи гурухлари йиғилишларга барча сувдан фойдаланувчиларни энг юқори даражада тўплашлари керак. Агар қатнашчиларнинг сони 50-60 фоиздан кам бўлса йиғилиш бошқа кунга кўчирилиши керак. Шу ерда ҳозир бўлган сувдан фойдаланувчилар ўзаро келишиб йиғилишни қачон ўтказишни белгилаб олишлари керак. Шундан сўнг тарғиботчилар одамларни жалб қилиш учун керак бўлган барча чораларни кўришлари ва шунинг натижасида кўпчиликнинг йиғилишга қатнашишларни таъминлашлари керак.

Ушбу йиғилишларда умумий мажлис вакилларини сайлашдан олдин даҳаналарда келиб чиқиши мумкин муаммоларни ҳал қилиш учун сувдан фойдаланувчилар гуруҳидан кимнидир танлаш ва тайинлаб қўйилиши керак. Даҳаналарда келиб чиқадиган масалалар қўйидагидек бўлиш мумкин:

- даҳаналарни вақти-вақти билан ҳашарлар йўли орқали тозалаш чора тадбирларини амалга ошириш;
- барча сувдан фойдаланувчиларга сувни баравар тақсимлаб бериш;
- тортишувларни бартараф қилиш ва уларнинг олдини олиш;
- даҳанадаги сув тақсимотини яхшилаш ва такомиллаштириш;
- барчага бир хил фойдали бўлган бошқа ҳар хил масалаларни ҳал қилиш.

Шунинг билан биргалиқда сувдан фойдаланувчилар СФУнинг Умумий ёки Вакиллар йиғилишига ўзларининг ҳуқуқ ва қизиқишлиарни ҳимоя қилиш учун вакиллар сайлашлари керак. Акс ҳолда ҳар бир даҳанадан келишилган ҳолда Вакиллар йиғилишига одамлар сайланади. Шу пайтда лойиҳа ҳақида қисқача гапириб

СУВДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР УЮШМАСИ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ?

берилиши ҳам алоҳида ўринда туради. Унда СФУнинг Вакиллар йиғилишига сайланаётган одамлар яхши хусусиятларга эга бўлишлари, вазифалари ва хуқуқарини биладиган илғорларни тавсия этиш кўзда тутилиши керак. Даҳаналарни катта-кичиклигига қараб сувдан фойдаланувчилар СФУни Вакиллар йиғилишига бир ёки бир қанча вакиллар сайланишлари мумкин. Даҳананинг ўзида чиқиб турадиган масалаларни вақтида ҳал қилиш учун бир ёки икки кишини сайлаб қўйилади: (масалан, даҳананинг ўзини тозалаб туриш учун одам кучлари ташкил қилиш).

5-БОСҚИЧ: Вакиллар йиғилиши номзодларининг таништирув учрашуви

Сувдан фойдаланувчилар гурӯҳларига ва Вакиллар йиғилишига сайловлар бўлиб ўтгандан кейин уларнинг ҳаммасини танишиш учун учрашувга таклиф қилинишлари керак. Бу учрашувлар ўларнинг ўзаро танишиб бир-бирларини яхши тушунадиган бўлишларига имконият туғдиради. СФУларнинг мақсадлари, унинг кенгаш аъзоларини, тафтиш комиссияларини, келишмовчиликларни бартараф қилиш комиссияларига қачон ва қаерда сайловлар ўтказиш ҳақида ўзаро гаплашиб олинади.

Мажлис қатнашчиларига қўйидаги асосий масалалар ҳақида яна бир бор ахборот берib қўйиш керак:

- 1) суғориш ва зак қочириш тизимларини муназзам ва қўшма равишда бошқариш;
- 2) марказлашган ҳолдаги усулдан воз кечиб бошқариш СФУлари ихтиёрига топшириш;
- 3) сув тақсимоти барчага баробар бўлишини таъминлаш;
- 4) сув таъминотини ишончли олиб бориш;
- 5) давлат, шахсий ва бошқа захиралардан ва хизматлардан расмий гурӯҳ сифатида бемалол фойдаланиш;
- 6) ўз ўзини идора қилиш;
- 7) ўзини ўзи тўла таъминлаш.

Сўнгра Вакиллар йиғилиши навбатдаги йиғилишларни қачон ва қаерда ўтказилиши ҳақида қарор қабул қиласди. Аслида бу йиғилишларни ҳамма бемалол кирадиган маҳалла фуқаролар йиғини биноларида, мактабда, спорт залда ёки марказдаги бирор жамоат жойларида ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

6-БОСҚИЧ: СФУнинг Кенгаш аъзоларини, Раисини ва Тафтиш комиссиясини ва Баҳсларини бартараф қилиш комиссияларини сайлаш

Йиғилишнинг бошида қатнашчиларига шу кунгача бажарилган ва келгусида қилинадиган ишлар ҳақида ахборот бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шундан кейин янги ташкил этиладиган СФУнинг Вакиллар йиғилиши иштирокчиларининг ўзлари суғориш тизимларидағи муаммоларни таҳлил қилишлари, уларни бартараф қилиш тўғрисида чора-тадбирлар белгилашлари ва бу ишда СФУ ёрдамлари ҳақида келишиб олишлари керак. Бундай муҳокамаларда қабул қилинган қарорларни амалга оширишда бошқарувчиларнинг асосий вазифалари келиб чиқади. Бу суғориш хизматлари ва сув фойдаланиш режалари нима-нимадан иборатлигини аниқлашда асос бўлади.

СУВДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР УЮШМАСИ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ?

Вакиллар йиғилишига сайланадиган илғор кишилар қандай билим ва хусусиятларга эга бўлишлари ҳақида қисқача ахборот берилиши фойдадан холи бўлмайди. Шунинг билан биргаликда тарғиботчилар СФУ аъзолари орасида бўлғуси вакилларини муҳокама қилишлари, уларнинг фойдали ва яхши томонларини ўрганиб чиқишига ёрдам беришлари керак. Масалага сиёсий ёндошиш ҳам фойдадан холи эмас. Шунинг учун сайловолди муҳокамаларида кўпчилик бўлиб қабул қилинган қарор қанчалик аҳамиятга эга эканлигини тушунтириш керак. Сувдан фойдаланувчилар муаммоларини якка ҳолда ҳал қилишдан кўра кўпчилик бўлиб ҳал қилганда уларга хизмат қилиш даражаси анча юқори бўлишини тушунтириб ўтишлари керак. Йиғилиш қатнашчиларига кўрсатилаётган номзодни муҳокама қилиш учун керакли вақт берилиши зарур. Ташкил бўлаётган СФУларнинг қанчалик мустаҳкамлиги кўп томондан қуидагиларга боғлиқдир:

- 1) сиёсий таъсирнинг кўп ёки очиқ овоз бериши, келишувчилик йўли билан аъзоларини ҳар хил ишларга қўйиши мумкин.
- 2) танлаш даврида ўзаро бир ечимга келиш;
- 3) қарорлар қабул қилишда хамманинг баробарлиги;
- 4) СФУнинг Кенгаш вакилларининг барча канал ва даханалар учун баробар сайланганлиги.

Вакиллар йиғилиши ёпиқ ёки очиқ овоз бериши, келишувчилик йўли билан аъзоларини ҳар хил ишларга қўйиши мумкин.

Тафтиш комиссияларини, Баҳсларни ҳал қилиш комиссияларини ва уларнинг раисларини сайлашда юқоридаги усулдан фойдаланиш ҳам мумкин.

7-БОСҚИЧ: Таъсис ҳужжатларини тайёрлаш

Сувдан фойдаланувчилар уюшмасини ташкиллаш йўлидаги кейинги қадам – бу тегишли таъсис ҳужжатларини тайёрлашдир. Бу ҳужжатлар қаторига СФУнинг намунавий низоми, ички норматив қоидалари, ҳар хил схемалари ва ҳар бир давлат ўзи учун ишлаб чиқсан бошқа ҳужжатлари киради. Бу ҳужжатларни тайёрлашда тарғиботчилар яқиндан ёрдам беришлари керак. “Фаргона водийсида СРБМ” лойиҳаси учун юқоридаги ҳужжатлар ДСХКК ИАМ (НИЦ МКВК) ва ХСРБИ (IWMI) мутахассислари томонидан тайёрлаб қўйилган, шунинг учун СФУларнинг Кенгаш аъзолари тўғридан тўғри келгуси босқичга ўтишлари мумкин.

8-БОСҚИЧ: СФУни рўйхатга олиш учун унинг Низоми, ички норматив қоидаларини ва бошқа ҳужжатларини қабул қилиш ва ариза бериш

СФУ Кенгашининг биринчи вазифаси ташкилий қўмита томонидан бажариладиган ишларни ўз қўлларига олиш ва таъсис ҳужжатларини (низом, ички норматив қоидалар, сув фойдаланишнинг дастлабки режалари) кўриб чиқиб уларни маҳаллий шароитга мослашлари ва СФУ номидан рўйхатга олиниши учун аризалар беришлари керак. Ички норматив қоидалар ташкилотларнинг интизомни амалга ошириш, бошқариш ва бир текисда ушлаб туриш учун хизмат қиласди. Бу ҳужжатлар динамик характерга эга бўлиб, керак бўлганда Умумий ёки Вакиллар мажлиси қарорлари билан ўзгариб туриши мумкин. Агар ташкилот қандайдир ҳужжатларга асосланиб, аниқ белгиланган қоидаларга риоя қилган ҳолда иш олиб бормаса, ўзнинг мавқеини тез орада йўқотиб қўйиши мумкин.

СУВДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР УЮШМАСИ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ?

Бу хусусда тарғиботчилар ва лойиҳани бажарувчилар ички меъёрий ҳужжатларни тузишда амалдаги қонунларга мос равишда олиб борилишида СФУларга яқиндан ёрдам беришлари ва уни танланган обьектидаги ҳолатга боғлашлари керак. Ички меъёрий ҳужжатлар одатда қўйидаги масалаларни ўз ичига қамраб олган бўлиши керак:

- 1) экинлар таркиби, уларга сувнинг керакли миқдори ва лимити, сув оладиган жойи, уни тақсимлаш ва тарқатиш тартиби хамда ариқларга техник хизмат кўрсатиш;
- 2) ҳар хил амалдаги хизматчиларнинг иш йўриқномалари ва мажбуриятлари;
- 3) йиғилишларнинг ўтказиш оралиқлари ва уларнинг тартиби;
- 4) СФУга аъзолик меъёрлари;
- 5) аъзолик ёки хизмат вазифасидан озод бўлиш;
- 6) аъзолик бадалларини тўлаш;
- 7) маблағ тўплаш;
- 8) баҳсларни бартараф қилиш йўллари;
- 9) жарима қилиш;
- 10). бошқалар.

Давлат томонидан тасдиқланган меъёрлар доирасида тарғиботчилар юқорида тайёрланган ҳужжатларни Кенгаш аъзоларига тушунтириб, ариқ-зовурларни техник жиҳатдан соз бўлишини таъминлаш каби ишларни меъёр асосларида олиб бориш кераклигини уқтириб боришлари лозим. Шундагина Кенгаш аъзолари юқоридаги режа ва ҳужжатларни тасдиқлашлари мумкин. Тарғиботчилар Кенгаш аъзолари томонидан қабул қилиниши мумкин бўлган тескари қарорларни қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳам яхшилаб тушунтириб беришлари керак.

9-БОСҚИЧ: Мутахассис кадрларни тайёрлаш.

Бу босқичнинг асосий вазифаси СФУни ўз олдига қўйган долзарб масалаларни ҳал этишда у ўз ўзини идора қилувчи, мустақил ташкилот сифатида ҳал қилишлари кераклигидан иборатdir. Бундай профессионал тайёргарликни амалга ошириш кўпинча жойларда ўқитиш ва амалий ишлар бажариш йўли билан олиб борилади. Юқоридаги ишларни СФУга сайланган аъзоларнинг ўзлари бажармаса ҳам ёллаб олинган ходимларнинг ишларини сифатли боришини назорат остига олиш учун билимларини орттиришлари керак бўлади. СФУнинг Кенгаш аъзолари ва ходимлари ўқитилгандан сўнг уларни ариқ-зовурларни бошқаришдаги амалий ишларига ҳам ўргатиш керак.

Амалий ўқитиш дастурлари қўйидаги масалаларни қамраб олиши керак: сув миқдорини ўлчаш, сув тақсимлаш ва ҳисоботи, техник хизмат кўрсатиш режалари ва уларни бажариш, бизнес-режалари тузиш ва уни амалга ошириш, бошқаришни ташкиллаштириш, молиявий бошқариш, ҳужжатларни юргизиш, ички меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш, суфориш тизимларини ишлатиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш учун тегишли маблағ-захиралар топиш услублари. Амалий ўқитишда тегишли материаллар ва қўлланмалар ҳамда билимли ва тажрибали инструкторлар борлиги муҳим нарсалардан бири ҳисобланади. Шу мақсадга мос келадиган кадрлар (масалан, туман ҚСХБларнинг гидротехниклари, намунали СФУларнинг мутахассислари ва ҳоказолар) топиш керак. Амалий ўқитиш доимий хусусиятга эга бўлиши билан бирга энг пастдаги вакилларни, яъни даханадаги СФ гурӯҳларини ҳам жалб қилиш лозим. Инструктор кадрлар (устозлар) сифатида энг пастдаги

СУВДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР УЮШМАСИ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ?

вакилларни (фермерларни) ўқитиши учун шунақа ўқишдан ўтган дахана вакиллари ёки СФУ ходимлари жалб қилиниши зарур, чунки улар фермерларга ўхшаш ва уларни яхшироқ билишади. Бундан ташқари улар шу фермерларни ичидан чиқкан вакиллардир.

“Фарғона водийсида СРБМ” лойиҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш дастурлари доирасида СФУ ходимларини ўқитиши назарда тутилган ва тез орада Ўшдаги тайёрлов-ўқитиши марказида бу иш йўлга қўйилади. Шу борадаги амалий ўқитиши қуроллари ДСХКК ИАМ (НИЦ МКВК) ва ХСРБИ (IWMI) томонидан таланганд СФУларнинг тайёр бўлиш вақтига етказиб келинади.

Марказий Осиё фермерлари ўзларига қарашли сугориш тармоқларини бошқаришни яхши ўзлаштирганлари билан бундан юқори даражали сугориш тармоқларини бошқариш бўйича малакалари йўқ. Шунинг учун уларни амалий ўқитиши билан бирга сувдан фойдаланувчилар уюшмаси томонидан бошқарилётган юқори даражали сугориш тизимларга олиб бориш ва шу тизимларга хизмат қўрсатиш ҳамда ишлатишни ўргатиш лозим. Шундагина уларга ишонч ва жавобгарлик ҳислари қатъийлашади.

Бунинг учун Марказий Осиё ҳудудида ёки ташқарида мос келадиган объект танланади ва мақбул ҳолда ташкил этилган СФУ вакиллари шу объектга олиб борилади. Бу ердаги гидромелиоратив тизимининг бир қисмни фермерларни ўзлари бошқаришлари керак. Бу жойга боргандা вакиллар сувдан фойдаланувчилар уюшмаси мустақил равишда ўзига боғланган тизимини ишлаётганини кўриш билан бирга, ташкилий масалаларни, қоидаларни, ички меъёрий ҳужжатларини, маблагни йўналтириш усусларини, ирригацион хизмат қўрсатадиган хақини ҳисобини чиқариш йўлларини, уларни ундириб олиш ва кейинги ишларга йўналтириш йўлларини ҳам ўрганиб келадилар.


10 - БОСҚИЧ: Сугориш тизимининг СФУ бошқаришига ўтиши

Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси аввало ўзлари бошқариш учун берилаётган сугориш тизими тўғрисида намунавий шартномани ўрганиб чиқишилари, маҳаллий шароитга мослашлари ва шароитга қараб сув етказиб берувчилар (туман ҚСХБ, вилоят ҚСХБ) билан музокаралар утказишлари керак.


**4. ҚИРГИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИСОЛИДА СФУНИНГ
ХАР ХИЛ АСПЕКТЛАРИ (МАСАЛАЛАРИ) БҮЙИЧА
ЁРДАМЧИ СХЕМАЛАРИ**

1. СФУНИНГ мақсади/вазифаси
2. СФУНИНГ мажбуриятлари
3. Қирғизистонда Таъсис қўмитаси орқали СФУларнинг таъсис
қилиниши
4. СФУ Низоми
5. СФУга аъзолик
6. СФУ аъзоларининг ҳуқуқлари
7. СФУ аъзоларининг мажбуриятлари
8. СФУга аъзоликни тўхтатилиши
9. СФУни бошқариш органлари
10. СФУларнинг Олий органи - Вакиллар йиғилишининг
ваколатлари
11. СФУда овоз бериш ҳуқуқи
12. СФУни раҳбарлик қилувчи органининг (СФУ Кенгаши)
ваколатлари
13. СФУ ижрочи органининг ваколатлари
14. СФУНИНГ назорат қилувчи органи
15. Баҳсларни ҳал килиш комиссиясининг иш тартиби
16. СФУНИНГ даромад манбалари
17. Тартибга солувчи орган ваколатлари


1. СФУНИНГ мақсади / вазифаси




2. СФУнинг мажбуриятлари




3. Қирғизистонда Таъсис қўмитаси орқали СФУнинг таъсис қилиниши



4. СФУнинг Низоми




5. СФУга аъзолик



6. СФУ аъзоларининг ҳуқуқлари




7. СФУ аъзоларининг мажбуриятлари




8. СФУга аъзоликни тўхтатилиши




9. СФУни бошқариш органлари




10. СФУнинг Олий органи - Вакиллар йиғилишининг ваколатлари




11. СФУда овоз бериш ҳуқуқи




12. СФУнинг раҳбарлик қилувчи органнинг ваколатлари




13. СФУ ижрочи органининг ваколатлари




14. СФУнинг назорат органи




15. Баҳсларни ҳал қилиш комиссиясининг иш тартиби



16. СФУнинг даромад манбалари



17. Тартибга солувчи орган ваколатлари



Манзилгоҳларимиз:

I W M I

Халқаро сув
ресурсларини
бошқариш институти

НИЦ МКВК

Давлатлараро сув хўжалигини
координациялаш комиссиясининг
Илмий-ахборот маркази

Ўзбекистон, 700000, Ташкент ш. Муртазаев кўч., 6, 103-хонадон, а/я 4564, Главпочтамт	Ўзбекистон, 700187, Ташкент ш. Қорасув-4 мавзеси, 11 САНИИРИ, НИЦ МКВК
Тел.: 998-71-1370445 Факс: 998-71-1370317 E-mail: iwmicac@online.ru Интернет: www.cgiar.org/iwmi	Тел.: 998-71-1665101 Факс: 998-71-1665097 E-mail: imwr@icwc-aral.uz Интернет: www.icwc-aral.uz

«СРБМ-Фарғона» лойиҳасининг *Интернет-саҳифаси:* **iwrmf.icwc-aral.uz**